

# **МАЊНАВИЙ ТАХДИДЛАР ДАВРИДА ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК МАСЬУЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАЊСАЛАСИ**

Туратов Шухрат Жиззах Политехника

институти ўқитувчиси

## **АННОТАЦИЯ**

Мақолада бугунги кунда мањнавий таҳдид уларнинг куринишлар мањнавий таҳдидларни олдини олишда ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантиришнинг зарурлиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинганд. Ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар масаласига ҳам эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** мањнавий таҳдид, виртуал олам, Интернет, Радикал ғоялар, мойиллик, ижтимоий химоя, Экстремистик, террористик, фуқаролик жамияти, фуқаролик масъулияти, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларда масъулият ҳиссини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш, миллий ғуур ва ифтихор туйғуларини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш.

Бугун биз хаётимизни унинг бир қисмига айланиб улгурган вертуал оламсиз тасафур қила олмаймиз. Дарҳақиқат кублаб олимлар тамонидан XXI - аср инсоният тарихига глобаллашув хамда интернет асри сифатида эътироф этилмоқда. Дарҳақиқат бугунда глобаллашув жараёни кишилик жамияти тараққиётига хос бўлган табиий-тарихий жараён бўлиб, унинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, у кўпроқ мањнавий таҳдидларларда намоён бўлмоқда.

Жумладан “Мањнавий таҳдид” ибораси икки сўз бирикувидан иборат: мањнавий ва таҳдид. “Мањнавий” деганда инсоннинг ички дунёси, онги ва қалби назарда тутилади.<sup>1</sup> “Таҳдиð” деганда эса ҳадик, яъни тажовуз қилиш, йўлдан чиқаришга асосланган хавф-хатарлар мажмуи тушунилади.<sup>2</sup> Таҳдид хавф-хатар каби дарҳол кўзга ташланмаслиги, узоқни кўзлаши ва хавф-хатарга нисбатан зарари кўплиги билан фарқ қиласиз.

Сир эмаски бугун хаётимизга кириб келаётган турли “Мањнавий таҳдид”нинг бош омили виртуал оламдир. Дарҳақиқат бугунги кунда глобал тармоқ шиддат билан ривожланиб, имкониятлари тобора кенгаймокда. Ҳар куни виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 3-жилд. –Т.: “Фан”. 2008. 91-бет.

<sup>2</sup> Шу манба. 4-жилд. 201-бет.

<sup>3</sup> “Болам баҳти бўлсин десангиз” М.Қуронов Т-1326

пайдо бўлиши унинг ҳажми ҳар дақиқа сайин ўсиб бораётганидан далолат беради. Замонавий ўқувчи ёшлар Интернетга маълумот олишнинг асосий манбаи ва коммуникациянинг бош воситаси, деб қарайдилар. Кўпчилик ўқувчи ёшлар ўзининг қимматли вақтларини ўқиш ва ўқув материалларига сарфламасдан ўйинлар, ҳар хил турдаги видеороликлар ва «Фақат катталар учун» сайтларга кирадилар. Ўқишдан ташқари улар замонавий модалар, дам олишлар, мусиқаларга жуда қизиқадилар ва кўп вақтини машҳурлар ҳаётини акс эттирувчи ресурслар ва сайтларни ўрганишга сарфлайдилар. Ижтимоий тармоқларга ўғил ва қиз болалар бир хилда қизиқиш билан қарайдилар. Виртуал муҳитда болалар ва ўсмирлар реал ҳаётнинг руҳий муаммоларидан дам олишга ҳаракат қилишади ва йиғилиб қолган зўриқиши ҳолатларидан халос бўлишга интилишади. Улар Интернетни ким нимани хоҳласа қилиши мумкин бўлган эркин макон деб ҳисоблайдилар.

Интернетда жамиятнинг маънавий тараққиёти, шахс, айниқса, ҳали онги шаклланиб улгурмаган худди ана шундай ёш бўғинларнинг дунёқарашига, ғоявий тарбиясига ўта салбий таъсир қўрсатувчи кўпгина манбалар мавжуд. Онлайн тизими материалларининг маълум бир қисми асосан нохолис, шубҳали кўринишида бўлиб, ахлоқий бузуқлик, тажовузкорлик ва зўравонликни тарғиб қиласди. Интернет орқали тарқатиладиган компьютер ўйинларининг 49 фоизи сезиларли даражада зўравонлик ва ёвузилик кўринишига эга, 41 фоиз жангари (турли отишмалар ва портлашларга асосланган) ўйинларда эса ўйин қаҳрамони ўз мақсадига етишиш учун шундай зўравонлик ва ёвузилик содир этади. 17 фоиз ўйинларда ана шу зўравонлик ва ёвузиликнинг ўзи бош мақсад бўлиб ҳисобланади. Куриниб турибтики Ахборотларнинг тезкорлигини таъминлаётган Интернет миллий қадриятларимизга ёт бўлган заарли ғояларни тарғиб этиш воситасига айланмоқда. Интернетнинг ғоявий кураш ва тарғиботнинг асосий майдонига айланганини экстремистик шу жумладан, диний экстремистик қарашларни тарғиб этадиган сайтлар мавжуд

Бу борада Шавкат Миромонович алохида тухталиб “Радикал ғоялар ва кескин хати-харакатларга мойиллик ёшлар, шунингдек ижтимоий химояга муҳтоҷ энг заиф қатlam вакиллари ўртасида юқорилигича қолмоқда. Экстремистик ва террористик ташкилатлар ўз сафларига янги издошларини ёллаш жараёнида ижтимоий тармоқларда муқаддас диний ақидаларни бузиб талқин қилиш баробарида, психологик хийла-найранглардан хам фойдаланмоқда<sup>4</sup>” куриниб турибтики Интернетда бундай ҳолатларга дуч келган ўсмир шахсида депрессия таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари учрайди.

<sup>4</sup> Янги ўзбекистон Стратегияси Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон нашриёти Тош 2021 й 399 б

Ўсмирнинг хулқи ва кайфиятидаги ўзгаришлар унда салбий характер сифатларининг пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари кублаб сайклар жамиятда қарама-қарши фикрни шакллантириш ва зўравонлик руҳи остида психолигик таъсир кўрсатиш, кўрқув, ваҳима тарқатиш орқали ички иккиланишни келтириб чиқаришдек мақсадларни қўзлади. Бундай холатлар ёшларимизда маънавий таназзулни ва жамият олдида масъулиятсизликни келтириб чиқади.

Янги кўринишдаги таҳдидлардан мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларни сақлаб қолишининг ягона йўли ёшларимизни жисмонан соғлом, ақлан теран маънавий етук, бир сўз билан айтганда, баркамол этиб тарбиялашимизга боғлиқ..

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг минбарида сўзлаган нутқидан алоҳида тўхталиб ўтади. “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ<sup>5</sup>” - дея тўхталиб ўтади.** Шундай экан бугун маънавий баркамол интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш маънавий таҳдидлардан асрарнинг асосий йўлларидан бири бу- ёшларда масъулият ҳиссини шакллантиришdir.

Бугун ёшларда жамиятга нисбатан, мустақилликка нисбатан масъулият ҳиссини шакллантириш ва мустаҳкамлаш жамият тараққиётiga салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қарши курашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантириш миллий ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтириш асосида мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш асосида амалга оширилади. Ёшлар томонидан илм-фан ютуқларини чукур эгаллаш, хорижий тилларни, компьютер технологияларини мустаҳкам ўрганиш, ҳалол меҳнат қилиб ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан шуғулланиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий тараққиётiga ўзининг ҳиссасини қўшиш ёшларнинг фуқаролик масъулиятини шакллантириш ва юксалтириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда биз дуч келаётган информацион хуружлар, диний экстремизм ва терроризмнинг ёшларимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган уринишлари ёшларни миллий истиқлол гояси асосида тарбиялашнинг янги педагогик вазифаларини қўймоқда. Ўзбекистонда ёшларда диний экстремизм, терроризм, миссионерлик, прозелитизм каби заарли гоялар ва мафкураларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш “Фикрга

---

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан

қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат” билан курашни самарали йўлга қўйиш асосида амалга оширилмоқда.

Хозирги даврдаги жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда ёшлар ҳаётида қайта тикланиб бораётган миллий қадриятлар ва анъаналар билан бир вақтда хорижий инновацион ўзгаришларнинг кириб келиши ва ислоҳотларни янада чукурлашиши натижасида пайдо бўлаётган ижтимоий-сиёсий қадриятларни тезлик билан ўзгартиришга бўлган талабларнинг пайдо бўлиши, ёшлар онгидаги маънавий ва руҳий янгиланишларнинг шиддат билан кечиши ёшларда фуқаролик масъулиятини мустаҳкамлашни талаб қилмоқда. Бу борада мамлакат раҳбари такидлагандек **“Барчамизга аёнки, ислоҳат бу янгиланиш ва ўзгариш, ишларининг натижадорлиги учун масъулиятни янада теранроқ ҳис қилиш дегани”**

Мамлакатимизда ёшларни юксак ахлоқ ва интизомли қилиб тарбиялаш, уларнинг сифатли таълим олиши ва ватанпарварлик руҳида вояга етиши Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили сифатида эътироф этилмоқда. Ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантириш ва ривожлантириш Ўзбекистонда ижтимоий барқарорлик, жамият тараққиёти ва қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг муҳим асоси сифатида эътироф этилмоқда. Миллий ғоя ва мағкура асосида муайян мақсадга йўналтирилган, жипслашган, фуқаролик масъулияти шаклланган ёшларни тарбиялаш масаласи бугунги кунда Ўзбекистондаги долзарб масалалардан биридир. Ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантириш Ўзбекистонда ёшларнинг моддий-маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш, глобаллашув туфайли ахлоқимизга, турмуш тарзимизга кириб келишга ҳаракат қилаётган бузғунчи ғоялардан уларни сақлаб қолиш асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантириш, уларни етук ва баркамол инсон қилиб тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасалари ва турли ижтимоий институтларнинг биргаликдаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистонда ёшларнинг фуқаролик масъулиятини шакллантириш жараёни уларни чуқур билимли, теран фикрли, ўз ўтмиши дурдоналаридан ва маънавий қадриятларидан хабардор, ватанпарвар, хақиқатпарвар, фидойи қилиб тарбиялаш асосида амалга оширилмоқда. Ёшларда юксак фуқаролик масъулиятини шакллантириш Ўзбекистонда давлат ва жамият олдида турган энг муҳим вазифалардан бўлиб, бу соҳада мамлакатимизда тизимли равишда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларда миллий ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш, миллий ғурур ва ифтиҳор туйғуларини юксалтириш

уларда фуқаролик масъулиятининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

## **А Д А Б И Ё Т Л А Р**

1. Янги ўзбекистон Стратегияси Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон нашриёти Тош 2021 й 93 б
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан
3. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир //Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 2018 йил, 36-37 бетлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”. [uza.uz/oz/documents/yeshlarga-oid-davlat-siyesati-samaradorligini-oshirish-va-zb-06-07](http://www.uz.uz/oz/documents/yeshlarga-oid-davlat-siyesati-samaradorligini-oshirish-va-zb-06-07)
5. Сайтқосимов А.И. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш жамият барқарорлигининг муҳим мезони // “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. Тошкент, 2019 йил, 192 бет.
6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилдлик. 3-жилд. –Т.: “Фан”. 2008. 91-бет.
- 7 “Болам баҳтли бўлсин десангиз” М.Қуронов Т-1326